

Қурбон Содикович РАХМАНОВ

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Замонавий ахборот-коммуникация
технологиялари кафедраси мудири, техника
фанлари номзоди, доцент*

Ақтам Хотамович ХОЛОВ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси
Бошқарувда ахборот-коммуникация
технологиялари кафедраси мудири, PhD*

Мақсуд Отабоевич ЭРЖАНОВ

фрилансер

МАҲАЛЛА АХБОРОТ ТИЗИМИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ИМКОНияТЛАРИ

ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ ИНФОРМАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ МАХАЛЛИ

FUNCTIONAL POSSIBILITIES OF THE INFORMATION SYSTEM MAHALLA

Ушбу мақола фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини автоматлаштириш жараёнларини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган маҳалла ахборот тизимини функционал имкониятларини ёритишга бағишланган. Мақолада ахборот тизимини ишлаб чиқиш давомида яратилган роллар, уларнинг функционал имкониятлари ва амалга оширадиган вазифалари ёритилган. Шунингдек, мақолада вилоят ходими роли, унинг имкониятлари ва уларни мурожатлар билан ишлаш жараёнларига батафсил тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла, рол, ахборот тизими, фуқаро, маҳалла раиси, туман ходими, вилоят ходими, мурожат, веб-сервер, автоматлаштирилган ишчи ўрни, мобил илова, веб интерфейс, статистика.

Данная статья посвящена освещению функциональных возможностей районной информационной системы махалли, предназначенной для автоматизации деятельности органов самоуправления граждан. В статье подробно описаны роли, создаваемые при разработке

информационных систем, функциональные возможности и задачи, которые выполняются на данном этапе. В статье подробно рассматривается роль регионального сотрудника его возможности и порядок работы с обращениями.

Ключевые слова: органы самоуправления граждан, махалля, роль, информационная система, гражданин, председатель микрорайона, районный сотрудник, региональный сотрудник, обращение, веб-сервер, автоматизированные рабочие места, мобильное приложение, веб интерфейс, статистика.

This article is devoted to highlighting the functionality of the regional information system, designed to automate the activities of citizens' self-government bodies. The article describes in detail the roles created in the development of information systems, their functionality and the tasks they perform. The article also discusses in detail the role of an employee of the region, his capabilities and the procedure for working with appeals.

Keywords: citizens' self-government bodies, mahalla, role, information system, citizen, micro district chairman, district employee, regional employee, appeal, web server, workstation, mobile application, web interface, statistics.

КИРИШ

Маълумки, биз ҳозирги вақтда глобаллашув даврида яшаймиз. Барча соҳада рақамлаштириш, рақамли интеграция, автоматлаштириш каби тушунчалар барча соҳаларда бўлгани каби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида ҳам қўлланилиб келинмоқда. Бу соҳадаги ишларни ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали янада жадаллаштириш тўғрисидаги вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4602-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 367-сон қарорларида ҳам келтирилган [1-2].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 12-14 декабрдаги Хоразм вилоятига ташрифларидан сўнг давлат бошқаруви сиёсатида янги босқич бошланди десак муболаға бўлмайдиган, яъни унда “Маҳалла раиси – ислохотчи” тамойилига катта эътибор қаратила бошланди. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (Маҳалла) фаолиятида АКТ технологияларидан самарали фойдаланишни талаб этади. Ҳозирги

ватқда Ўзбекистонда 9155 та Маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд ва ўз навбатида ҳар бирида маҳалла раиси бор. Маҳалла раисидан катта вазифалар талаб қилинмоқда, яъни у ўз маҳалласининг ижтимоий-иқтисодий “ўсиш нуқта”ларини билиши, муаммоларни кўтара олиши ва ислоҳотчи бўлиши лозимлиги талаб қўйилди. Шу билан бирга ўз маҳалласидан келаётган мурожаатларга доимий равишда жавоб бериб бориш талаб этилмоқда.

МАСАЛАНИНГ ҚЎЙИЛИШИ

Демак, юқоридаги долзарбликдан келиб чиққан ҳолда, “Маҳалла” ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни автоматлаштириш, мурожаатлар юритиш жараёнларини қулайлаштиришни амалга оширувчи тизимни ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Маҳалла ва оила илмий тадқиқот институти томонидан Маҳала мобил иловасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди [3-6].

АСОСИЙ ҚИСМ

Ахборот тизимида барча маҳалла раислари учун жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаат (ариза, шикоят ва таклиф) ларга жавоб бериш жараёни автоматлаштирилиши талаб этилади. Мурожаатларнинг ҳолати мониторингини юритиш, маҳалла ва фуқаролар орасидаги муносабатларни жонлантириш, маҳалла ва уларнинг раислари контингенти юритилади. Маҳалла ахборот тизими Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот маркази базасида, яъни унинг серверида татбиқ этилади ва маҳалла бошқарув жараёнига тегишли маълумотларни камраб олади.

Демак, “Маҳалла” ахборот тизими учта дастурий таъминотдан ташкил топади:

1. “Маҳалла” ахборот тизими веб-сайти (мурожаатлар билан ишлаш ва маълумот алмашиш учун).

2. “Маҳалла” ахборот тизими мобил иловаси (android) [7-8].

3. Веб-сайт ва мобил иловани боғловчи API [9-10].

Ахборот тизимида қуйидаги фойдаланувчи типлари учун роллар ишлаб чиқилиши режалаштирилган:

- юридик ёки жисмоний шахслар (фуқаро);
- маҳалла раиси;

- туман ҳокими ўринбосари (маҳалла бўйича);

- вилоят ҳокими ўринбосари (маҳалла бўйича);

- Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги ходими, Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институти ходими;

- Администратор.

Ахборот тизимида ҳар бир рол учун функционал имкониятлар ишлаб чиқилган:

- фуқаролар ўзи яшайдиган ёки бошқа ихтиёрий Маҳалла раисига мурожаатларини мобил илова ёрдамида жўнатади (матн, хабар, расм ёки файл кўринишида);

- ҳар бир маҳалла раиси ўз маҳалласи доирасида келиб тушган мурожаатларни кўра олади ва уларга жавоб беради;

- тизим қуйидан тепага яъни, фуқародан → маҳалла раиси → туман ҳокими ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи → вилоят ҳокими ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармаси бошлиғи → Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги ходими (5 та даража) йўналишида фаолият олиб боради;

- ҳар бир мурожаатлар тизимда сақланиб боради ва уларнинг ҳолати (янги, бажарилган ва кечикаётган) қуйидан тепагача кўриниб туради;

- мурожаатлар статистикаси 5 та даражада юритилади;

- ҳар бир фуқаро ўз мурожаатини ҳолатини кузатиб боради ва мурожаат бўйича жавоблари хабар ёки файл шаклида жўнатади ва аксинча қабул қилади

“Маҳалла” ахборот тизимининг афзалликлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- тизим реал вақт режимида маҳалладаги муаммо ва камчиликларни бевосита фуқаролар ёрдамида аниқлашга ва маҳалла фаровонлиги ва тинчлигини таъминлашга имкон беради;


- ортиқча вақт ва маблағ сарфини камайтиради ҳамда фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини орттиради;

- муаммо ва камчиликлар электрон тарзда тегишли раҳбарлар назоратида бўлади;

- тизим муаммо ва камчиликларни таҳлил қилади, уларни кўламини аниқлаб беради;


- маҳалла раисини фаолиятини кузатиб боришга имкон яратади.

Маҳалла ахборот тизимининг умумий структураси 1-расмда келтирилган.



1-расм. Маҳалла ахборот тизими умумий структураси

Ҳозирги вақтда Маҳалла ахборот тизими мобил иловасининг веб-сервер ва мобил иловаси ишлаб чиқилган. Веб-сервер <http://mobile.moiti.uz/> – домени остида фаолият олиб бормокда (2-расм).



2-расм. “Маҳалла” ахборот тизимининг асосий ойнаси

Дастлаб барча фойдаланувчилар Маҳалла мобил иловасини¹ телефонига ўрнатган ҳолда рўйхатдан ўтади. Рўйхатдан ўтиш албатта телефонига келиб тушган СМС-хабарнома орқали тасдиқланиши лозим. Шундан кейингина унга тизимдан фойдаланиш бўйича имконият тақдим этилади.

Рўйхатдан ўтган фойдаланувчи ўз маҳалла раисига ёки республика бўйича бошқа барча маҳалла раисларига ариза, шикоят ва таклифларини электрон тарзда жўнатиши мумкин. Маҳалла раислари эса жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаат (ариза, шикоят ва таклиф) ларга жавоб бериш мумкин.

Одатда рўйхатдан ўтган барча фойдаланувчиларга “фуқаро” роли берилади. Агарда фойдаланувчилар ролни ўзгартирмоқчи бўлса, мос равишда ўзидан бир юқори

¹ <https://play.google.com/store/apps/details?id=uz.mahalla.app>

даражадаги фойдаланувчига ёки админга мурожаат қилиши мумкин (3-расм).



3-расм. Роллар структураси ва улар орасидаги боғлиқлик.

Веб-серверда Республикамиздаги барча вилоят ва туманлар ҳамда улардаги барча 9155 та маҳалла номлари киритилган.

ID	Номи	Номери	Статус	Актив
7327	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓
7328	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓
7329	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓
7330	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓
7331	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓
7332	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓
7333	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓
7334	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓
7335	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓
7336	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓
7337	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓
7338	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓
7339	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓
7340	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓
7341	Qashg'ar	(91-000-00-00)	Active	✓

4-расм. “Маҳалла” ахборот тизимининг маҳаллалар бўйича маълумотлари

Маҳаллаларни киритаётганда, уларни вилояти, тумани, номи (ўзбекча, русча), телефон, қисқача маълумот, манзили киритилади ва статуси (актив, ноактив) танланади (5-расм).

Янги маҳалла яратиш

Худуд *
Тошкент вилояти

Туман *
Шаҳристон тумани

Ўзбекча номи *

Русча номи

Телефон

Маълумот *

Манзил *

Status *
Актив

Save

5-расм. Янги маҳалла киритиш ойнаси

Тизимдан рўйхатдан ўтган барча фойдаланувчилар администратор томнидан кузатиб борилади. Демак, бу ойнадан фойдаланувчиларнинг логини, исми, роли, статуси каби маълумотларни кўриш мумкин (6-расм).

ID	Username	Role	Password	Status
1	FUGARO	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
2	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
3	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
4	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
5	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
6	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
7	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
8	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
9	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
10	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
11	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
12	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
13	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
14	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
15	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
16	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
17	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
18	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
19	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
20	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active

6-расм. Тизимдан рўйхатдан ўтган фойдаланувчиларни кўриш ойнаси

Администратор фойдаланувчиларни ролларини ўзгартириши мумкин. Шунинг билан бирга янги фойдаланувчи яратиши мумкин. Администратор янги фойдаланувчи яратишда уларни логини, пароли, парolini тасдиқлаш, фамилияси, исми, отасининг исми, вилояти, тумани маҳалласи, манзили, фойдаланувчи ролини (фуқаро, маҳалла раиси, туман ходими, вилоят ходими, республика ходим) ва статусини танлаши лозим. Бир фойдаланувчига бир нечта роллар ҳам берилиши мумкин. Ролларга қараб фойдаланувчиларнинг функционал имкониятлари ошиб боради.

Фойдаланувчиларга роллар бериш Shift ёки Ctrl тугмаларини сичқонча билан бирга босиш орқали амалга оширилади (7-расм).

7-расм. Фойдаланувчиларга роллар бериш саҳифаси

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар фойдаланувчи роли учун алоҳида веб-интерфейси ишлаб чиқилган. Ушбу мақола уларнинг барчасига тўхталиб ўтирмаймиз. Биргина вилоят ходими ролининг функционал имкониятларига тўхталиб ўтамиз.

Вилоят ходими саҳифаси. Вилоят ходими саҳифасида Вилоят бўйича қуйидаги маълумотларни кўриши мумкин:

- рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар;
- янги фойдаланувчи яратиш;
- мурожаатлар ҳолати (8-9-расмлар);
- мурожаатлар статистикаси (10-расм) ва бошқалар.

ID	Username	Role	Password	Status
1	FUGARO	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
2	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
3	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
4	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
5	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
6	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
7	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
8	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
9	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
10	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
11	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
12	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
13	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
14	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
15	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
16	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
17	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
18	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
19	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
20	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active

8-расм. Вилоят бўйича мурожаатлар статистикаси

9-расм. Мурожаатларни туманлар бўйича саралаш

ID	Username	Role	Password	Status
1	FUGARO	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
2	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
3	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
4	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
5	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
6	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
7	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
8	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
9	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
10	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
11	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
12	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
13	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
14	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
15	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
16	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
17	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active
18	TUMAN_XODIMI	ROLE	TUMAN_XODIMI	Active
19	VILOYAT_XODIMI	ROLE	VILOYAT_XODIMI	Active
20	MAHALLA_RAISI	ROLE	MAHALLA_RAISI	Active

10-расм. Вилоят бўйича мурожаатлар статистикаси

Вилоят ходими мурожаатлар статистикаси орқали вилоят бўйича мурожаатларнинг умумий статистикаси билан танишиши билан бирга ҳар бир туман кесимидаги статистикасини ҳам кўриш имконига эга бўлади. Бу орқали биз туман маъсулларини маҳаллалар билан ишлаш бўйича маҳалла фаолиятини кузатиш билан бирга уларнинг мурожаатларга жавоб бериш бўйича салоҳиятини кўришга эга бўламиз.

Вилоят ходими ўз вилояти доирасида фуқаро, маҳалла раиси ва туман ходими лавозимларидаги уч хил типдаги янги фойдаланувчиларни яратиш имконига эга.

Шунинг билан бирга ўз вилояти миқёсидаги
фойдаланувчиларга роллар бериши ҳам мумкин
(11-расм).

[illegible]

**11-расм. Вилоят ходими томонидан янги
фойдаланувчи яратиш ойнаси**

Хулоса. Маҳалла ахборот тизими ва Маҳалла мобил иловаси ҳозирги вақтда тестлаш жараёнида. Бу тизим Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти “JHBL-12-сонли “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жорий ҳолати ва меъёрий-ташқилий базасини мустаҳкамлаш ҳамда унинг электрон хизматлар қўламини кенгайтириш йўллари” лойиҳаси доирасида бажарилмоқда.

Ушбу ишлаб чиқилган, Маҳалла ахборот тизими ва мобил иловасини ишга тушириш орқали ҳозирги вақтда ижтимоий тармоқлардан фойдаланаётган Маҳалла раисларини ишини озгина бўлса ҳам осонлантириш имкони пайдо бўлади. Фуқароларга эса мурожаат жўнатиш жараёни осонлашади. Шунингдек, бу тизим орқали биз республика бўйича маҳаллалар, туманлар, вилоятлар кесимида келиб тушаётган мурожаатлар, уларнинг ҳолати ва бажарилиши бўйича умумий хулосага эга бўламиз. Бу эса ўз навбатида маҳалла раислари фаолиятларини баҳолашга имкон беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли Қарори // <https://lex.uz/docs/4740335>.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 июндаги “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги

- «Маҳаллати ва оила» илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 367-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/4850317>.
3. Rakhmanov K.S., Makhmanov B.K. (2020). The Role of the Model of Evaluation System of Civil Servants' Professional Activities in Public Administration. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 257-267.
4. Раҳманов Қ.С. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини автоматлаштириш - замон талаби. // “Иқтисодий тармоқларининг инновацион ривожланишида ахборот–коммуникация технологияларининг аҳамияти” мавзусига бағишланган республика илмий-техник анжуманинг маърузалар тўплами. 2-қисм. – Тошкент, 2021. 4-5 март. – Б. 430-432.
5. Раҳманов Қ.С., Махманов Б.Қ., Махманов О.Қ. Профессор-ўқитувчилар шахсий иш режаси мониторингини юритиш модулининг ўрни. “Информатика ва энергетика муаммолари” Ўзбекистон журнали. – Тошкент, 2020. ISSN 2010-7242. №2. – С. 104-113.
6. Раҳманов Қ.С. Давлат бошқаруви ва иқтисодий қисмини рақамлаштиришдаги муаммо ва ечимлар // “Давлат бошқаруви ва иқтисодий қисмини рақамлаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Тошкент 2020 й. 15 май. 105-109 б.
7. Гриффитс: Head First. Программирование для Android. – Питер, 2018. ISBN: 978-5-4461-0708-7. С. 912.
8. Herbert Schildt. Java: A Beginner's Guide, Sixth Edition 6th Edition. ISBN: 978-0-07-180926-9 MHID: 0-07-180926-0. 478 page.
9. <https://openlibrary.org/dev/docs/api/books>
10. <https://developers.google.com/books?hl=ru>